

## **РАНГТАСВИРДА ГЎЗАЛЛИК - БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

**Каландаров Шамсиддин**

УрДУ ТСМГ кафедра ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада рангтасвир йўналиши талабаларини рангтасвирчи расом сифатида ўргатишда Тасвирий санъатда эстетик тарбиянинг роли таҳлил қилинган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий-эстетик кадриятлар ва маънавий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Чунки, кадрият ва тарихий мерос миллат маънавиятини юксалтирувчи муҳим мезон ҳисобланади. Чунончи, халқимизнинг фалсафий-эстетик тафаккурини белгиловчи гўзаллик мезонлари ана шу жабҳанинг таркибий қисмидир.*

**Калим сўзлар:** *рангтасвир, услуб, санъат, тасвирий санъат, авангард, усул, оқим, йўналиш, авангардизм, абстракционизм, ижод, реализм, оқим, ҳиссий, кубистик, минималистик, фалсафий, рамзий, зоявий, воқелик.*

### **ABSTRACT**

*The article analyzes the role of aesthetic education in visual arts in training painting students as painters. After the independence of our country, the attitude towards our national aesthetic qualities and spiritual heritage changed radically. Because value and historical heritage is an important criterion that raises the nation's spirituality. For example, the criteria of beauty that determine the philosophical and aesthetic thinking of our people is a component of this aspect.*

**Keywords:** *painting, style, art, fine art, avant-garde, method, flow, direction, avant-garde, abstractionism, creativity, realism, flow, emotional, cubist, minimalist, philosophical, symbolic, ideational, reality.*

### **КИРИШ**

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, жамиятда шахс эстетик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислохотлар негизда алоҳида эътибор қаратилди. Шахсни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш, ҳар бир фуқаро онгида миллий гоёни чуқур идрок этиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига жалб этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас гоёларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том

маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлик адо этишга эришган бўлади»<sup>1</sup>.

Гўзаллик ижтимоий-маънавий ҳодиса бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фавқулодда аҳамият касб этувчи ҳамда нарса-ходисаларнинг шаклан ва мазмунан уйғунлиги асосида намоён бўлувчи инсонда ёқимли туйғу, завқ, кучли ҳайратни ҳосил қиладиган қадриятдир.

Одатда гўзаллик хушнудлик кайфияларини ҳосил қиладиган нарса-ходисалар мажмуи, завқ бағишловчи ҳодиса сифатида тушунилади. Бу гўзалликка нисбатан содда, жўн ва юзаки тушунишдир. Аслида гўзаллик шундай хусусиятга эгаки, у ёқимлилик туйғусига боғлиқ ҳолда, одамларнинг бирлашувига, уларда ижтимоий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига ҳамда маънавий жараёнларнинг барқарорлашувига олиб келади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Гўзалликни яратилиши хусусида икки хил қараш мавжуд. Биринчиси инсон тафаккури ва меҳнатининг маҳсули натижасида яратиладиган гўзаллик бўлиб, бунда ақл, тафаккур, билим ва ҳиссиёт устувордир (санъат ва бадий ижод намуналари, илмий асарлар ва кашфиётлар, моддий неъматлар ва маънавий қадриятлар ва ҳ.к.)- Иккинчиси - инсон салоҳиятидан ташқарида юзага келадиган, унинг тафаккури ва билимининг маҳсули бўлмаган гўзаллик бўлиб, унда макон ва замон салмоқли ўринни эгаллайди (пурвиқор тоғлар, чексиз уммонлар, осмон жисмлари ва ҳ.к.).

Гўзалликни идрок этиш, хис қилиш ҳамда яратишнинг мураккаблиги шундаки, у аввало билишнинг маҳсули. Воқеликдаги ҳар қандай нарса-

ходисанинг гўзаллиги унинг ишончлилик, ҳаққонийлик, улуғворлик, туғёнйлик ва реаллиги билан белгиланади. Инсонлар гўзаллик ҳақидаги дастлабки маълумотни бешта сезгининг энг ривожланган тури бўлмиш кўриш сезгиси орқали ўзлаштиради. Ундан сўнг эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш ва тана сезгиси орқали гўзалликни хис этадилар. Бироқ, мазкур бешта сезги ҳам гўзалликнинг моҳиятини тўлақонли аёнлаштириш учун етарли эмас.

Рассом у ёки бу картинасини яратишни қаламда бошлайди. Шундан кейингина ушбу сарфат асари ранглар жилоси орқали томошабинга эстетик ҳузур бахш этади. Бошқача қилиб айтганда, чизматасвир, рангтасвирсиз ҳеч бир рассом ўз асарини етук ҳолга келтира олмайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 158 б.

Рангтасвир машғулотлари буюмларни тўғри тасвирлаш, борлиқни идрок этиш, қои, онг ва сезги органларини шакллантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

(Жйғониш даврининг буй и к рассом ва олими Леонардо да Винчи оълининг «Рангтасвир қонунлари» номли асарида, жумладан, шундай деган эди: *«Ёшлар, ўзларини илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукамал билмоқлари лозимдир»*.<sup>2</sup>

Рангтасвир асосан бўёқлар воситасида матога, девор юзасига, шунингдек, бошқа жойларга ишланади. Тасвирнинг мазмуни, характери ва шунга ўхшаш барча хусусиятлари бўёқлар орқали ифодалаб берилса, бунга рангтасвир санъати дейилади. Тасвирий санъатнинг бу турида ижодкорнинг ички кечинмалари, асарда акс эттирижаётган воқеа мазмуни рангларни бир-бирига ўз меъёрида қўшиб ишлатиш натижасида намоён бўлади. Масалан, қизил ва қора бўёқларни қўшиб ишлатилиши фожеани акс эттирса, оч мовий ва яшил рангларни ўзига хос боғлашлар натижасида тинч ва осойишталик ҳолатлари тасвирланиши мумкин. Рангтасвир санъати жозибали ва қизиқарлилиги билан нафақат ўзлаштиришда, ҳатто уни ўқий билиш, идрок эта билишда ҳам ўқувчидан жиддий билим ва малака талаб қилади. Нина Михайловна Кевичнинг «Эстетикадан факултатив курс»да рангтасвир санъатини назарий жиҳатдан ўргатишнинг айрим муаммоларига қаратилган бўлиб, бунда шундай далилларга дуч келамиз.

«Рангтасвирни ўрганиш босқичларининг ҳарбирида ҳиссий ва кўрсатмали материалнинг роли жуда ҳам муҳим, чунки рангтасвирда тасвирий кўрсатмасиз таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилиш мумкин эмас. Фақат кўрсатмалилик иши (репродукцияларни1 намоёиш қилиш) яхши йўлга қўйилгандагина кузатувчанлик, фаол ва юмшоқлик билан кузатиш малакалари ҳосил бўлади, бу эса расмларни идрок этиш ва таҳлил қилиш тажрибасида зарурдир».

Н. М. Кевичнинг юқоридаги таърифларига яна шуни қўшимча қилиш жоизки, бугунги техник тараққиёт турли рангли филмлар яратиш имкониятига эга, шунингдек видеотасвирларга олиб, таълим жараёнида фойдаланиш мумкин. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳеч қандай рангли филм, видео ёки компьютер тасвирлари ҳақиқий рангтасвир санъат асаридаги руҳий, табиий ва бошқа профессионалликка хос имкониятларни тўла-тўқис ёритиб бера олмайди.

Баркамол авлод тарбиясида гўзалликнинг аҳамияти

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбияли, нафосатли, ақлли, бақувват ва мард бўлишини истайди. Эстетик руҳда тарбиялаш, унинг қиёфасига - ҳис-

<sup>2</sup> Ориф Муинов Рангтасвир Укув қуланма Т. Шарк 2007

туйғуларига, иродасига самарали таъсир қилади. Илмий дунёқарашни маънавий қиёфасини шакллантиради, ҳаётни билиб бориш имкониятини туғдиради. Эстетик руҳда тарбиялаш ғоят мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, гўзалликни тушинибгина қолмай, балки уни яратишга қодир бўлган баркамол авлодни камолга етказиш мақсадини ҳам кўзда тутаяди.

Бизнинг мамлакатимизда болаларни эстетик руҳда тарбиялашга керакли ҳамма шарт-шароитлар мавжуддир. Музей ва театрлар, кутубхона ва клублар, кинотеатр ва расмлар галереялари, такрорланмас ўтмиш обидалари, қолаверса бутун ҳаёт тарзимиз, урф-одатларимиз ҳам - баркамол авлодни эстетик руҳда тарбиялаш ва камол топтиришга ёрдам берадиган асосий воситалардир. Ўзбекистонда демократик қоидалар асосида ривожланаётган халқ таълими, ўқувчиларга бадиий таълим ва эстетик тарбия беришни, гўзалликни ҳис қилишни тарбиялаш, юксак эстетик дид, санъат асарлари, тарих, меъморчилик ёдгорликларни қадрлаш, табиат бойликларини эъзозлашга ўргатишни назарда тутаяди. Шу билан бир қаторда ёш авлодни ватанимиз ва жаҳон бадиий маданиятининг энг яхши намуналаридан завқ олиб, эстетик тарбиялашни амалга ошириши зарур. Эстетик завқланиш кишида меҳнат илҳомини янада жўш урдиради, инсонни улуғлайди ва унинг турмуш шароитини безайди. Умуман эстетик тарбия ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадларига қаратилган бўлиши лозим.

Бунёдкорлик ва унинг гўзаллик билан уйғунлигида эстетик тарбия воситалари - ўқувчиларни эстетик тарбиялаш мақсадида теварак-атрофдаги танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадиий ижоди ҳисобланади. Оила гўзалликнинг биринчи мактаби. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уйнинг жиҳозлари, уларнинг ягона бирлиги, уйғунлиги, тартибли жойлаштирилиши, саранжом-саришталик, мактабнинг безатилиши, мактабдаги ёдгорлик ва аълочилар бурчаги кабиларнинг барчаси бевосита болалар эстетикасига таъсир этади. Турмуш эстетикасининг асосини тозалик ва тартиблилик ташкил этади. Синф хоналарида тозаликни сақланиши, табиат бурчагини ташкил этилиши, ўқувчилар ижодий ишлари кўргазмаси, аълочилар тахтаси ва бошқалар ўқувчиларнинг эстетик дидларини тарбиялайди. Табиат энг муҳим эстетиктарбия воситасидир.

#### **АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 158 б.

2. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари.-Тошкент: Ўқитувчи. 1997
3. Ойдинов.Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар.-Тошкент: Ўқитувчи, 1997
4. Ориф Муинов Рангтасвир Укув кулланма Т. Шарк 2007